

# АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МУҲОКАМАТУЛ ЛУҒАТАЙН” АСАРИДАГИ ЮЗТА ФЕЪЛНИНГ МАЗМУНИЙ ГУРУҲЛАРИ

Мирзаев Ибодулла Камолович  
Филология фанлари доктори, профессор  
Самарқанд Давлат университети

## Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида татбиқ этишга ҳаракат қиламиз. Алишер Навоий ўзининг мазкур асарида турк ва форс тилларининг ўзига хос хусусиятларини чоғиштирар экан, туркий тилнинг ифода имкониятлари анча устун эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: *гапирув, ифодалов, талаффуз, субъектив, нутқий, симметрик, сукут, феъллар.*

## Аннотации

В статье мы попробуем применить его в «Муҳокаматул луғатайн» Алишера Навои. Алишер Навои сравнивает в этой работе особенности турецкого и персидского языков, показывая, что выразительный потенциал турецкого языка намного больше.

Ключевые слова: речь, выражение, произношение, субъективное, речь, симметричная, тишина, глаголы.

## Annotation

In the article we will try to apply it in Alisher Navoi's "Muhokamatul lugatayn". Alisher Navoi compares the peculiarities of the Turkish and Persian languages in this work, showing that the expressive potential of the Turkish language is much greater.

Keywords: speech, expression, pronunciation, subjective, speech, symmetric, silence, verbs.

Ўзбек тили грамматикасига доир илмий ишларда феъл туркумига кирувчи сўзларнинг семантик таснифига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Уларда қайд этилишича бир лексик –семантик (ЛСТ) гуруҳга бирлашган ҳар бир гуруҳ аъзосида мазкур гуруҳга бирлашиш учун асос бўлган сема такрорланиши зарур. Ўз навбатида, тил тизими таркибидаги ЛСТлар яна

маълум лексик қаторлардан иборат бўлади. Бир лексик қаторни ташкил этган лексемаларда ҳам муайян умумий белги - бирлаштирувчи (интеграл) сема бўлиши ва бу қаторлар таркибидаги лексемалар бир-биридан ўзаро фарқланувчи (дифференциал) семалари билан ажратилиши зарур.<sup>1</sup> Ҳозирги ўзбек тилидаги нутқ феъллари қуйидагича турларга ажратилган: 1) *демоқ* феъли; 2) *гапирув* феъллари; 3) *ифодалов* феъллари; 4) *талаффуз* феъллари; 5) *субъектив ҳукм* феъллари; 6) *нутқий даъват* феъллари; 7) *симметрик нутқ* феъллари; 8) *сукут* феъллари.<sup>2</sup>

Яна бир гуруҳ олимлар эса ўзбек тилидаги феълларни қуйидаги мазмуний гуруҳларга ажратганлар: 1) *жисмоний ҳаракат* феъллари; 2) *нутқ* феъллари; 3) *сезги* феъллари; 4) *тафаккур* феъллари; 5) *ҳайвонот дунёси, жонзотлар фаолияти билан боғлиқ* феъллар; 6) *табиат ҳодисалари билан боғлиқ* феъллар; 7) *умумий ҳолат англатувчи* феъллар; 8) *руҳий ҳолат* феъллари; 9) *иқтисодий ҳолат билан алоқадор* феъллар; 10) *муносабат* феъллари каби турларга ажратадилар.<sup>3</sup>

Ҳозирги ўзбек тили бўйича яратилган айрим ишларда эса феъл қандай ҳаракат ва ҳолатни ифодалашига кўра қуйидаги турларга бўлинган:

1. *Юмуш феъллари*: меҳнат қилди, тер тўкди, териб олди, ўқиб чикди, пардоз қилди.
2. *Тафаккур феъллари*: кашф қилди, ўйлади, фикр юритди.
3. *Сезги феъллари*: сизди, ҳис қилди.
4. *Руҳий ҳолат феъллари*: кулди, хурсанд бўлди, хафа бўлди, қайғурди, изтироб чекди.
5. *Нутқ феъллари*: гапирди, сўзлади, баён қилди, ҳикоя қилди.
6. *Ишора феъллари*: имо қилди, кўзини қисди, кўзини сузди, лабини бурди.
7. *Жисмоний ҳолат феъллари*: оғриди, чарчади, ҳолсизланди, соғайди, кучайди.
8. *Табиий ҳолат феъллари*: эриди, музлади, ётди, ухлади, уйгонди.
9. *Кўриш феъллари*: қаради, кўрди, боқди, термулди.
10. *Табиат ҳодисаларини ифодаловчи феъллар*: гулламоқ, қовжирамоқ, яшнамоқ, қуримоқ, кўкармоқ, ўсмоқ.<sup>4</sup>

Шуниси характерлики, феъл туркуми доирасидаги бу мазмуний гуруҳлар орасида синонимия кенг тарқалган бўлиб, улар эмоционал-

<sup>1</sup> Қаранг: Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланмаси (магистрлар учун). – Тошкент, 2008. -176 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Қўчқортоев И.Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 78-79.

<sup>3</sup> Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш, Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология.Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. – Б.60-63.

<sup>4</sup> Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. (морфемика, суз ясалиши ва морфология) – Тошкент, 2009. – Б.148-149.

экспрессивлигига кўра ажралиб туради. Ўзбек тили семасиологияси бўйича кузатишлар олиб борган проф. М.Миртожиевнинг ёзишича, бундай синонимларнинг лексик маъноси ядро семалар бўйича айнан бир хил бўлиб, прагматик (яъни эмоционал ёки экспрессив) семаси ўзаро фарқланадиган бўлади.<sup>5</sup> Профессорлар А.Нурмонов ва Ш.Искандарованинг юқорида қайд этилган фикрини (1-ҳаволага қаранг) келтирилган “юз”та феълга нисбатан Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида татбиқ этишга ҳаракат қиламиз. Алишер Навоий ўзининг мазкур асарида турк ва форс тилларининг ўзига хос хусусиятларини чоғиштирар экан, туркий тилнинг ифода имкониятлари анча устун эканлигини кўрсатади. У бунинг учун туркий тилдаги *қувормоқ* ва *қуруқшамоқ* ва *ушармак* ва *жийжаймоқ* ва *ўнгдаймоқ* ва *чекримак* ва *дўмсаймоқ* ва *умунмоқ* ва *ўсанмоқ* ва *итирмак* ва *эгармак* ва *ўхранмак* ва *ториқмоқ* ва *алдамоқ* ва *аргадамоқ* ва *ишастмак* ва *игланмак* ва *айланмоқ* ва *эрикмак* ва *игранмак* ва *овунмоқ* ва *қистамоқ* ва *қийнамоқ* ва *қўзгалмоқ* ва *соврулмоқ* ва *чайқалмоқ* ва *девдашимоқ* ва *қийманмоқ* ва *қизганмоқ* ва *никамак* ва *сийланмоқ* ва *танламоқ* ва *қимирдамоқ* ва *серпмак* ва *сирмамак* ва *ганоргамак* ва *сизриқмоқ* ва *сизинмоқ* ва *қилимоқ* ва *ёлинмоқ* ва *мунгланмоқ* ва *индамак* ва *тергамак* ва *теврамак* ва *қинггаймоқ* ва *шигалдамак* ва *синграмоқ* ва *яиқамоқ* ва *исқармоқ* ва *кўнгранмак* ва *сухранмоқ* ва *сийпамоқ* ва *қораламоқ* ва *сурканмак* ва *куйманмак* ва *интрамоқ* ва *тушалмак* ва *мунгаймоқ* ва *танчиқамоқ* ва *танчиқолмоқ* ва *кўруксамак* ва *бушурғанмоқ* ва *бўхсамоқ* ва *киркинмак* ва *сукадамак*, ва *бўсмоқ*, *бурмак*, *турмак*, *томшимоқ*, *қаҳамоқ*, *сипқормоқ*, *чичаркамак*, *журканмак*, *ўртанмак*, *сизгурмоқ*, *гурпаклашмак*, *чупрутмоқ*, *жиргамоқ*, *бичимоқ*, *қикзанмоқ*, *сингурмак*, *кундалатмак*, *қумурмак*, *бикирмак*, *кўнгурламак*, *кинаркамак*, *кезармак*, *дўптулмоқ*, *чидамоқ*, *тузмак*, *қазганмоқ*, *қичигламоқ*, *гантирамак*, *ядамоқ*, *қадамоқ*, *чиқанмоқ*, *кўндурмак*, *сўндурмак*, *суқлатмоқ* каби феълларни мисол келтиради.

Алишер Навоий асарда май ичишни ифодалашда *сипқармоқ* сўзи англаган маънони қуйидагича изоҳлайди: *Ва томшимоқ ки, гоят; завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу гариб ма'ни адосида туркчада бу матла' борким.* Байт:

Соқий чу ичиб, менга тутар қўш  
Томший-томший ани қилай нўш.

“Муҳокаматул луғатайн”да бундан ташқари, *ийгламоқ* маъноли феъллар семантикаси тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган. Туркий тилда *ийгламоқ* маъносини ифодаловчи *бўхсамоқ* феълени форс

<sup>5</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси . – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.210.

тилида бериб бўлмаслиги, *инграмоқ* ва *синграмоқ* феъллари мазмуни орасида фарқнинг озлиги, уларнинг оҳиста, яширин йиғлаш маъносини англатиши, *сиқтамоқ* феълида эса бу ҳаракатнинг ўта муболағали акс этишини қуйидаги байтда ҳам кўрсатиб берган:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,  
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Шу ўринда *ўкурмоқ* феълида кучли овоз чиқариб йиғлаш, *инчкирмоқ* феълида эса ингичка овоз билан йиғлаш маъноси ифодаланиши мисоллар асосида таҳлил қилиб берилган. Яна йиғламоқнинг *ўкурмаки* муқобаласида *инчкирмак* дағи бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур”, дейиш билан туркий тил имкониятлари беқиёс эканлигини асослаб берган.

Асарда муаллиф томонидан келтирилган феълларни семантик жиҳатдан қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

### ***1.Жисмоний ҳаракат феъллари:***

<i>ушатмоқ</i>	– айнан пул ёки шунга ўхшаган нарсани майдаламоқ ушармоқ;
<i>ўнгдаймоқ</i>	– кўтарилмоқ, ростланмоқ, бир оз яхши ҳолатга ўзгармоқ;
<i>дўмсаймоқ</i>	– бировни хўш кўрмаслик учун қош ва қабоқни туширмоқ;
<i>итирмак, игирмак</i>	– қамал қилмоқ, теварак – атрофни ўраб олмоқ;
<i>эгармак</i>	– изламоқ, таъқиб қилмоқ;
<i>аргадамоқ</i>	– ирғитмоқ, ўрнидан бежо қилмоқ, қимирлатмоқ;
<i>айланмоқ</i>	– айланмоқ, тавоф қилмоқ;
<i>қийманмоқ</i>	– қимирламоқ, ҳаракатга келмоқ;
<i>никамак</i>	– бировга шахвоний алоқа билан озор етказмоқ;
<i>қимирдамоқ</i>	– қимирламоқ, ҳаракат қилмоқ;
<i>сирмамак</i>	– яширин тарзда қўл билан бирор нарсани ахтармоқ;
<i>сигриқмоқ</i>	– қочмоқ, қутилмоқ;
<i>мунгланмоқ</i>	– паришонлик билан йиғламоқ, нола қилмоқ;
<i>тергамак</i>	– таҳқиқ қилмоқ, бирор нарса ҳақида маълумот тўпламоқ;
<i>теврамак</i>	– парвариш қилмоқ, боқмоқ;
<i>синграмоқ</i>	– паст овоз билан нолиш қилиб йиғламоқ;
<i>яшқамоқ</i>	– бировга урмоқ, мақсад билан қўлкўтармоқ;

<i>қўнгранмақ</i>	– ўзига-ўзи билан ачиғланиб гапирмоқ, гур-гурламоқ;
<i>сухранмоқ</i>	– ғазаб билан лаб остида гапирмоқ;
<i>сийпамоқ</i>	– сийламоқ, навозиш қилмоқ;
<i>шиғалдам</i>	– оқ–оёқ ёки қўл зарби билан овоз бермоқ;
<i>киркинмақ</i>	– ўнг ва сўлга такрор ҳаракат қилмоқ;
<i>бўсмоқ, бусмоқ</i>	– душмандан шикаст маънисида яшириниш;
<i>бурмақ</i>	– бурмоқ, бирор нарсани тоблаш ва қатлаш;
<i>турмақ</i>	– турмоқ;
<i>томишмоқ</i>	– маза – маза қилиб, оз – оз ичмоқ;
<i>қаҳамоқ</i>	– қамал қилиш, ўраб олиш;
<i>сипқормоқ</i>	– бирданига бошга кўтариб ичиш;
<i>гурпаклашмақ</i>	– шовқин – овоз билан ўйин қилиш;
<i>қундалатмақ</i>	– курашда бировни аёғига илмақ бериб йиқитмоқ;
<i>қумурмақ</i>	– кўмирмоқ қовун ёки бошқа нарсани пўчоғини тиш билан кўмирмоқ;
<i>қадамоқ</i>	– қадамоқ, учи иттик нарсани бировга ёки бир нарсага сончтирмоқ;
<i>сўндурмақ</i>	– оловни ёки бошқа шуълали нарсани ўчирмоқ;
<i>қўзғалмоқ</i>	– қўзғалмоқ, ҳаракатга тушмоқ, жунбушга қелмоқ;
<i>чайқалмоқ</i>	– чайқалмоқ;
<i>серпамақ, серпамақ</i>	– сепмоқ;
<i>қўйманмақ</i>	– бирор нарсани тузатишга мойил бўлиш;
<i>сурканмақ</i>	– суртмоқ;
<i>журканмақ</i>	– паранжи ёки қарсга ўралмоқ;
<i>сизгурмоқ</i>	– ишпалоқ чалмоқ;
<i>бичмоқ</i>	– бичмоқ, андоза қилмоқ;
<i>сингурмақ</i>	– ҳазм қилмоқ;
<i>девдашимоқ</i>	– чайқалмоқ.
<b>2. Нутқ феъллари:</b>	
<i>алдамоқ</i>	– ялғон билан бировга фириб бермоқ, ёлғон сўзламоқ;
<i>ёлинмоқ</i>	– ялинмоқ, узр ва зори қилмоқ;
<i>индамақ, индамамақ</i>	– ундамоқ, бировни бир ишга мажбурламоқ, даъват қилмоқ;
<i>қораламоқ</i>	– маҳкум қилмоқ;

<i>суқадамак</i>	– улуғлаш;
<b>3. Тафаккур феъллари:</b>	
<i>исқармоқ</i>	– эсламоқ, хотирламоқ;
<b>4. Ҳайвонот дунёси, жонзотлар фаолияти билан боғлиқ феъллар:</b>	
<i>ўхранмак</i>	– от емиш бериш пайтида чиқарадиган овоз;
<i>қинггаймоқ</i>	– кучук ва шоғол чиқарадиган овоз;
<b>5. Табиат ҳодисалари билан боғлиқ феъллар:</b>	
<i>соврулмоқ</i>	– соврилмоқ, тўзиб – сочилиб кетмоқ;
<b>6. Умумий ҳолат англаувчи феъллар:</b>	
<i>қуруқшамоқ</i>	– қуруқшамоқ, ҳаддан кўп қуримоқ ва сув йўқотмоқ;
<i>қувормоқ</i>	– қабармоқ ёки қамармоқ;
<i>сигинмоқ</i>	– сиғинмоқ, паноҳ тиламоқ;
<i>қилимоқ</i>	– истакка қарши иш қилмоқ;
<i>ганоргамак, каноркамак</i>	– ёйиш, нашр қилиш;
<i>чичаркамак</i>	– нақш ва нигорли болиш;
<i>чупрутмоқ</i>	– сочмоқ, тарқатмоқ, пароканда қилмоқ;
<i>ўптулмоқ</i>	– тошиш, ҳаддан ошиш;
<b>7. Руҳий ҳолат феъллари:</b>	
<i>жсийжаймоқ</i>	– ҳайратланмоқ, гиж бўлиб қолмоқ;
<i>чекримак</i>	– завқланмоқ, ҳаяжонланмоқ;
<i>умидланмоқ</i>	– умид қилмоқ;
<i>ўсанмоқ</i>	– безалмоқ, хафа бўлмоқ;
<i>мунгаймоқ</i>	– қайғурмоқ, ғусса қилмоқ;
<i>танчиқамоқ</i>	– ҳайратланиш;
<i>танчи қолмоқ</i>	– ҳайратлантириш;
<i>кўруксмак</i>	– бировнинг дйдорини орзу қилиш;
<i>бушурганмоқ</i>	– жуда кўп ғазабланмоқ;
<i>бўхсамоқ, бухсамоқ</i>	– зор-зор йиғламоқ;
<i>ториқмоқ</i>	– зерикмоқ, ич қисмоқ, ториқмоқ;
<i>эрикмак</i>	– эринмоқ, хушёқмаслик қилмоқ, бир ишга майлсиз бўлмоқ;
<i>игранмак</i>	– нафратланмоқ;
<i>овунмоқ</i>	– овунмоқ, тасалли топмоқ;
<i>қистамоқ</i>	– қистамоқ, бировга тазйиқ ёки босим солмоқ;
<i>қийнамоқ</i>	– қийнамоқ, исканжага қилмоқ, озорламоқ, озор бермоқ;
<i>ўртанмак</i>	– ёнмоқ;

<i>кинаркамак</i>	– ўзни бировдан зарб кўрган дек қилиб кўрсатиш, муғомбирликка уриш;
<i>қазганмоқ, қозганмоқ</i>	– қозонмоқ, қўлга келтирмоқ;
<i>қичигламоқ</i>	– қитиғламоқ, таҳрик қилмоқ;
<i>гантирамак, гангирамоқ</i>	– бош айланма бўлмоқ, ҳайратланмоқ;
<i>суқлатмоқ</i>	– завқ ва иштаҳага солиш

#### **8. Ижтимоий ҳолат билан алоқадор феъллар:**

<i>сийланмоқ</i>	– сайланмоқ, интихоб бўлмоқ;
<i>танламоқ</i>	– тайинламоқ, сайлаб – интихоб қилиб олмоқ;
<i>жирғамоқ</i>	– шод яшамоқ;
<i>қиқзанмоқ</i>	– душманлик қилмоқ;
<i>бикирмак, йигирмак</i>	– уствор қилиш, тиклаш;
<i>тузмак</i>	– тузмоқ, тузатмоқ;
<i>ядамоқ</i>	– ниҳоят чарчамоқ, хоримоқ;
<i>чиқанмоқ</i>	– аёқ ости бўлиш;
<i>кўндурмак, кундурмак</i>	– кўндирмоқ, қониқилмоқ;
<i>кўнгурламак, кунгурдамак</i>	– баданнинг сустланиши.

#### **9. Муносабат феъллари:**

<i>ишастмак, ишанмоқ</i>	– ишонмоқ, эътимод қилмоқ;
<i>игланмак, игланмоқ</i>	– ҳазиллашмоқ, шўхлик қилмоқ;
<i>қизганмоқ</i>	– қизганмоқ, бахиллик қилмоқ;
<i>интрамоқ, ингранмоқ</i>	– нолиш қилмоқ;
<i>тушалмак</i>	– риё ва мунофиқлик;
<i>чидамоқ</i>	– чидамоқ, сабр қилиш, бардош бериш;
<i>умунмоқ, умонмоқ</i>	– кўнгилдан, ихлос билан ҳавасланмоқ.

Хуллас, Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида қўлланилган феъл туркумига оид сўзларни ўрганиш нафақат ижодкорнинг ўзига хос бадий маҳоратини, шунингдек, она тилимизнинг нозик қирраларини, яширин имкониятларини янада тўлиқроқ тушунишга ёрдам беради.

Алишер Навоий қўллаган феълларни ҳозирги ўзбек нутқида олиб кириш, бунинг учун, энг аввало, уларнинг маъноларини кенгроқ материаллар асосида тўлиқроқ ўрганиш, маънодош, шаклдош, зид маъноли вариантларини топиш, уларни қиёслаб ўрганиш ўзбек тилшунослигининг энг долзарб вазифаларидандир.

Агар бу юз феълнинг фонетик, лексик, грамматик, стилистик, прагматик, культурологик каби қирралари очиб берилса, биринчидан, ҳозирги тилимиз янада салоҳият ва кўркамлик инкишоф этади, иккинчидан,

уларни бошқа тилларга муқобил таржима қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу юз феъл, масалан, рус тилига қилинган таржималарда тўғридан-тўғри, ўгирилмасдан, аслиятда қандай бўлса шундай келтирилмоқда. Уларнинг маъноси тўлиқ очиб берилса, рус тилли ўқувчилар ҳам тилимизнинг бой, қудратли ва латиф тиллардан эканига ишонч ҳосил қилишади. Бунда “Муҳокаматул луғатайн”нинг Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатларда қилинган табдил ҳамда таржималаридан фойдаланиш ва қиёслаб ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

### Адабиётлар

1. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси . – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.210.
2. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш, Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди. 2001. – Б.60-63.
3. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланмаси (магистрлар учун). – Тошкент, 2008. -176 б.
4. Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. (морфемика, суз ясалиши ва морфология) – Тошкент, 2009. – Б.148-149.
5. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 78-79.
6. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев – Тошкент, 1940. – Б. 54.
7. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн // Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. Фан. – Т., 2000. – Б. 329.
8. Алишер Навои. Суждение о двух языках (Муҳокаматул луғатайн), перевод А.Малеховой. – Т., 1968. – С. 21.
9. Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қ.Содиқов таҳлили ва табдили. Академнашр. – Т., 2017. – Б. 128.
10. Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. В.Раҳмон таҳлили ва табдили. – Т.: Тафаккур. 2014.
11. 6. نوابی، نظام الدين عليشير. (2010). محاکمه اللغتين. نشرگه تيارلاوچى تاشقین بهایی. توران مدنی - اجتماعى بنيادى. نشریاتی، کابل افغانستان